

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

БҲҲҲ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ
XVII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ.
СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА ОТАШИН САЛОМ!

ПАРТИЯ—РАҲНАМОМИЗ

Бугун Санъат саройи яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлади. Бу ерда Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди очилади. Республикасининг шаҳар ва районлари, колхоз ва совхозлари, саноат корхоналари, қурилишлар, фан ва маданият муассасаларидан бу съездага вакил бўлиб келган делегатлар Ўзбекистон Компартиясининг ҳисобот давридаги ишларини муҳокама қиладилар ва беш йилликда республикамиз олдида турган улуғвор ва улкан вазифаларни белгилаб оладилар.

Ўзбекистон коммунистларининг XVII съезди ҳар бир совет киши, шунингдек коммунист меҳнаткашлари ҳаётида катта тарихий воқеалар рўй бераётган, унутмас қувончли кунлар, барча коммунист ва ишчи партиялар, социалистик лагер кутлари, тараққиёт парвар инсоният учун гоёт аҳамиятга эга бўлган кунларда — шонли Коммунист партиясининг XXIII съезди арафасида қарилмоқда. Шу муносабат билан бугун мамлакатимиз бўйлаб қудратли тўқтинчи ками маънавият сийи қутуришлик, меҳнат, ижод ва яратувчилик ҳаракатлари коммунист қурилишининг барча соҳаларида янги зафарлар, олам-олам қувончли самаралар келтирмоқда. Коммунизмнинг нурафшон уфқларини янада яқинлаштирмоқда.

Хур ва жонажон дёиримиз, унинг катта, аҳил ва қудратли Советлар оиласида ўз бахти ва саодатини, иқбол ва ривожини топаётган серуҳун республикаси бўлиши Ўзбекистон КПСС XXIII съездининг ҳамма соҳаларида, ҳар бир оила ва хонадонда буюқ зафарлар билан кутлиб олмақда.

Республикамизга бир бонинг! Унинг чехраю жамоли, куч ва қудрати қанчалик очилиб, қанчалик гурираб, гузаллашиб бораётганини кўриб қувонсанг, фахрлансанг. Ҳа, бир маҳаллар ҳар Россиянинг қолоқ, аграр, чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистон эдиликда теги ва хур Советлар оиласида ўз бахти ва саодатини топти, юксалди ва камолотга етди. Саноатининг хилма-хил тармоқлари бунёдга келди. Қишлоқ хўжалиги ялғор ва қудратли техника билан қурулди. Батрак ва чорикор — эдиликда бадавлат ва фаровон деҳқон. У ер ва машинанинг хўжайини. Омон ва бўйинтуруқ ўрнида кучли машиналар, тракторлар турилди. Илгир, социалистик маданият барқ уриб йиғнамоқда. Совет даврининг янги кишилари — коммунизм кишилари ўсиб етишмоқда.

Партияимизнинг XXIII съезиди, Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезиди экономика ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида муносиб тухфалар тайёрламоқда. Қуйидаги рақамлар республикамиз меҳнаткашларининг ижодий ва шайи меҳнатининг маҳсулидир. Ўзбекистон саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми жинхатдан етти йилликда контрол рақамларда мўлжалланганидан 1,8 баравар кўп ўсшига эришди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 2,5 баравар кўпайди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2,5 баравар, машинасозлик маҳсулотлари 3 баравардан кўпроқ, ранглар металлургия маҳсулотини 6,5 баравар, газ чиқариш лангити бўлиб йилнинг ўзидида 16 баравар ошди. Бүт миқдор республикамиз ишчилари, инженер-техник ходимларининг зафари, меҳнатларининг мевасидир. Қишлоқ хўжалигини ривож йи ҳам қувончли бўлмоқда. Колхоз ва совхозлар етти йил мобайнида давлатга 23 миллион 675 минг тонна, яъни бундан рапорт бердилар.

олдинги етти йилдаги қараганда 4 миллион 461 минг тонна кўп пахта сотдилар. Деҳқончилик ва чорвачилик, дон, картошка ва сабзавот, полза қиллари ҳосили ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Пойтахт области меҳнаткашлари бу ғалабаларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Пахтачиликни комплекс механизациялаш борасида ташаббускор бўлган Тошкент пахтакорлари ўтган йили ҳосилдорлик ва пахтани машинада териб жинхатидан анча қувончли натижаларга эришдилар.

Экономика ва маданиятнинг ривожланишида, уй-жой қурилишида, маданиятнинг билим барпо этишида, халқ фаровонлигини оширишда етти йилликда олға томон катта қадам ташланди.

Республикамиз истиқболи ва келажиги янада порлоқ ва ўзгариб. Етти йиллик муваффақиятли йулларни азамат ва ижодкор кишиларимиз беш йиллик тошпирларини бажариш учун енг шимариб, тайёр билан ишга киришдилар. Беш йилликда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, колхоз ва совхозлари, саноати ва маданияти, олдида, ҳамма соҳаларида порлоқ, равшан ва қувончли-истинболлар очилмоқда. Янги беш йилликда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажмининг 1,6 баравар кўпайтириш кўзда тутилди. Газ қазиб чиқариш, электроэнергия, минерал ўғитлар, тозаланган мис, машинасозлик маҳсулотлари, ипак газламалар ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланиб. Қишлоқ хўжалигимиз олдини ва ривожини улкандир. Пахтачилик янада ривожланиб. Унинг ҳар йили янги ҳосил 4 миллион 200 минг тоннага етказилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ еттиришни чоралари қўрилди. Бу беш йилликда фан ва маданият таълим ҳам ривож топти. Ирригация ва мелiorация ишлари, янги ерлар очини ва ўзлаштириш, уларни сугориш асосий ишлардан бўлади.

Совет Иттифоқи Коммунист партиясининг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти, республикамиз меҳнаткашлари олдимизда турган коммунист қурилишининг буюқ вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Партия ташкилотларининг сафи ўсиб ва мустаҳкамланди. Улар сиёсий-хўжалик вазифаларини бажаришда, меҳнаткашларнинг коммунист руҳда тарбиялашда ҳақини ташкилотчи, тарбиячи ва мураббий бўлмоқдалар. Бўлиб ўтган ҳисобот-саноат йилликлари ва конференциялар бошлангич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари КПСС Марказий Комитети март ва сентябр Плениумлари қарорларини амалга ошириш учун қурилиб қанчалик муваффақиятларга эришганини, уларнинг авангардлик роли олиб бораётганини, омманинг ҳақини ташкилотчилари эндиликларини яна бир бор аққол намойиш қилди ва шу билан партия ташкилотлари нш фаолиятини яқинлаш йўллари кўрсатиб берди.

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари енгари Ўзбек дёирининг яратувчи, бунёдкор кишилари ҳам КПСС XXIII съезди арафасида турдилар. Беш йиллик план Директивалари лойиҳаси ҳамма ерда қизгин муҳокама қилинмоқда ва ўрганилмоқда. Бу план янги режалар, янги истиқболлар демакдир.

Жонажон партияимизнинг XXIII съездининг янги зафарлар билан нишонлайлик.



КОММУНИСТ

Уни кўрдим мартен ёнида,
Устида кенг, қуланг жонажон.
Уни кезар ўт вулканида,
Чехрасида қатъият виқор.
Гунашаранг ойна остида
Ўт селига мийланган кўзи.
Қалби йиллар пелч нафасидан
Тер қуйилиб, қизарган юзи.
Кутар эди пўлат тобини,
Боймас эди ўнгу-сулига.
Телатариди қўғ шитобини,
Темпир қўғиш кўтиб қўлига.
Олов пурқаб гуваўлар жарғен,
Йиллашар қўйини муҳлати.
Билмак истар металл сифатини,
Қандай баҳо берад пўлати.
Олди учкун темпир чўмичда,
Учди ҳарён пўлат зарралар.
Пелч оташи етилган, қунда,
Ундан меҳнат шони тарқалар.
Дарё бўлиб пўлат қуйилар,
Чехраларга қўнар табассум.
Дўстлар меҳнат годинин кутлар.
Бағишланди унга дил сўзини.
Унинг нурли нигоҳида мен
Кўрдим она-Ватан қуратини.
У — коммунист, пўлат қувончи.
Эзу сақлар эл муҳаббатини.
Кўзларида порлаб турган нур
Эл меҳрининг ёрқин нигоҳи.
Мардлик унга дўстдир бир умр,
Эл зафари унинг ҳамрўҳи.
Эслаб кетдим бундай мардларни,
Яқинларга, заҳматга тайёр.
Улар билан олис космосга
Кўзларини чўзмоқда дёир.
Эл шарофатли фарзандларини,
Улар билан ишлар замон.
Истиқболни ёрқин қўради,
Бундай мардлар қалбидан
жаҳон,
НАЗАРМАТ.

МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИ

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ОБЛАСТИМИЗНИНГ пелчкадам чорвадорлари Ўзкомпартиянинг XVII съездининг муносиб меҳнат соғалари билан кутлиб олдилар. Съезд арафасида Оржоникидзе районидидаги «Химик» совхозининг чорвадорлари давлатга гўшт ва сут сотиш иквартал пилларини ортиги билан бажар пилларини турғисида ғалаба рапорт бердилар. Эл дастурхонига 125 центнер гўшт ва 1030 центнер сут етказиб берилди. Хўжалик чорвадорлари йилик пилларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламолдалар.

Райондаги «Правда» газетаси 50 йиллиги совхозининг бурдоқчиллари ҳам съездин катта зафар билан кутлиб олдилар. Улар шу кунга қадар давлатга 210 центнер гўшт етказиб бериб иквартал пилларини муддатидан бир ой илгари муваффақиятли адо этдилар. Бу ютуқда совхоз бурдоқчилларидан Рўзимат Мирзахоимов,

Дашурбой Абдурахмонов ўртоқларининг ҳиссаси катта бўлди.

ТУҲФА

ПАРТИЯМИЗНИНГ XXIII съезди шарафига бошланган умумхалқ муҳаббатига қўшилиб астойдил меҳнат қилаётган Янгийўл районининг меҳнаткорлари қувончли ютуқини қўлга киритдилар. Район бўйича тракторлар ва бошқа ишчилик қўлини машиналарини қўламини чигит энчи кампанисига тахт қилиб ўн иш асосан тугалланди. Ҳозирга қадар 400 тадан ортиқ чигит эндирилган селла пахта ремонтдан чиқарилди, 44 ўринга 58 та чанглагич ва пурнагич мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

ҒАЙРАТ САМАРАСИ

КПСС XXIII СЪЕЗДИ Директивалари лойиҳасидан руҳланиб, бу йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга бел боғлаган областимиз деҳқонлари шу кунларда қўлама экинига ҳар

томонлама пухта тарадуд кўрмоқдалар.

Ойқўрғонлик деҳқонлар пиланди 635 минг нубометр ўринга қарий 749 минг нубометр ҳажмдаги эриш-зоуриларини тозалаб, бу соҳадаги тошпирини 118 процент адо этдилар. Янгийўллик деҳқонлар эса 740 минг нубометр ҳажмдаги эриш-зоуриларини сув равон онадиган қилиб тозалаб қўйдилар. Бу пиландидаги нисбатан 179 минг нубометр кўп демакдир. Урта Чирчиқ районининг холхозчилари ва совхоз ишчилари ҳам бу соҳадаги тошпирини ортиги билан бажарганилири турғисида рапорт бердилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 1966 йил 6 март якшанбадан 7 март душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ТАСС АХБОРОТИ «КОСМОС-111» ПАРВОЗДА

1966 йил 1 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навоатдаги сунъий йўдоши — «Космос-111» учирилди.

Йўдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программа мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мукалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

Бошлангич айланиш даври 88,6 минут;
Ер сатҳидан максимал узоклашуви (апогейида) — 226 километр;
Ер сатҳидан минимал узоклашуви (перигейида) — 191 километр;
Орбитанинг оғиши 51 градус 51 минут;
Йўдошда илмий аппаратлардан таъқари қуйидагилар бор:
19,365 мегагерц частотада иш-

лайдиган радиоперсдатчик;
Орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема;
Приборлар ва илмий аппаратларнинг иш турғисидида маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система.
Йўдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.



Суратда: Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезиди республикамизнинг турли жойларидан келган делегатларнинг бир гуруҳи.
А. Абалин фотоси.

КПСС XXIII ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVII СЪЕЗДЛАРИГА

СЎЗ СЪЕЗД
ДЕЛЕГАТЛАРИГА
БҲРЧИМИЗ



«Ихши пардоз берилган иш газламалар... ишлаб чиқариш кўпайтирилсин» деган жумла бор СССР халқ ҳужжати — Ҳисоб-хисобларнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик планга юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тўқма-чиқариш газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини ҳам оширишлари лозим.

Коллективимиз ана шунга эришишни ўзининг энг шарафли ва муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. Шу туфайли ҳам харидорон газламалар тайёрлаш кўпайди.

Мен ҳам катта коллективимизнинг бир аъзоси сифатида ана шу ишларга ўз ҳиссамини қўшаётганимдан бениҳоя хурсандман. Ўтган йилни яхши аяқлади. Пиланга қўшимча 14 минг 902 килограмм янги ишлаб чиқардим. Ўтган йилнинг дастлабки ойларида ишимиз кўрсаткичлари янада яхшиланган. Ҳар биримиз Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездида мунисиб тортиқлар билан келдик. Ўзим техникага асосланган нормани 5-7 процент ошириб бажарилман. Фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилган.

М. НҲҲОШЕВА.

Тошкент тўқмачилик комбинати 2-тигров фабрикасининг пилкловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Районимиз қишлоқ ҳўжалик меҳнат-кашлари зиммасига: шаҳар аҳолисини сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, узум, шўннингдек гўшт, сўт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашдек олжанов вазифа босла тилган. Узар энгиллар ҳисобдорлигини ошириш, маҳсулот таъиндорлигини камайтиришда йил сайин яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўтган йилни ҳар гектаридан 151 центнердан сабзавот, 175 центнердан қовун-тарвуз олинди. Картошка, мева, узум етиштириш анча кўпайди.

Йилги беш йилликда олдинда йилги вазибалар турбиди. КПСС XXIII съезди Директиваларида бу вазибаларни бажаришнинг конкрет йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Биз бундан бундан ҳам паҳлар аҳолисини сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашнинг ўзининг асосий вазибаси деб билимиз. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг кеча матбуотда эълон қилинган қарори бу соҳада йилги истиқболлар очиб беради.

Ҳозирги кунда районимиз меҳнаткашлари йилги беш йилликнинг дастлабки йили тошқирқиларини бажариш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.



М. КАМОНОВ,
Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

ИЖОД ЙЎЛИДА



Ҳақиқий санъат асари томошабин қалбиди ларзага солади, уни эзуликка, инсонийликка ундайди. Бу соҳада театрнинг роли айниқса катта. Автор гоёсини, фикрларини одамларга етказиш анча аришти зиммасида. Илги бор саҳнага чиқарилган 39 йил бўлибди. Шу йиллар анда бошқа ҳаммасоабларини мени ҳам совет кишиларини коммунист руҳда тарбиялаш учун ҳисса қўшишга интилим.

Ўз эрки учун курашган олдинги ўбек айлдан тортиб психологик драматизми кучли бўлган Дедемошага, хилма-хил мураккаб образлар устида ишлар ананман, бир нарсани дормо ёдимда тутдим: юксак талабди томошабин ҳурмати қозониш учун айвало асар руҳини чуқур билиб олиш керак. Шундангина асар қаҳрамони бутун вужуди билан жонланади томошабин қўли юнда.

Онахон, Гули, Офелия, Дедемоша, Катерина, Хуррият — булар мутлақо хилма-хил одамлардир. Уларни «тилга киришти» учун ҳар бир қаҳрамон қалбиди чуқур тушуниш керак. Озми-кўми, шунга эришган ва совет томошабин қалбиди урни ола билган бўлсам бахтиёр ҳисоблайман ўзини.

С. ЭШОНТРАЕВА,
СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати.

САВОДХОН ЎЛКА

Ўтган етти йилликда умум таълим мактаблари сон анча кўпайди. 1957/58 ўқув йилларда жами бўлиб 6762 мактаб бўлган бўлса, 1965/66 ўқув йилида келиб мактабларнинг сон 8716 га етди.

Бу йил бошлангич, саккин йиллик ва ўрта мактабларда меҳнаткашларнинг 2 миллион 341 минг 700 фарзанди билим оляпти.

Ишти ва қишлоқ ёшлари ҳамда катта ёндаги кишилар ўйлидаги мактабларда 134 минг 400 киши тахсил кўрмоқда.

Еш айлда умумтаълим мактабларида дарс бераётган ўқитқиларнинг умумий сон 142 минг кишидан иборат.

Республикамадаги 32 олий ўқув юртида 165 минг 800 студент таълим олмоқда.

1966 йили махсус ўрта таълим юртлари сон 105 тага етди, уларда 103 минг 900 киши ўқимоқда.

ФАҲРЛАНАМИЗ

Республикамаиз пахта терин машиналари, пахта селектирлар, кўрак тозаловчи машиналар, пахта тозаловчи ускуналар, пахта толаси, пилла, пахта луб энгилари, қоракўл териси етиштиришда Иттифода биринчи ўринда:

Пахтадан тўқилган газ-моллар ишлаб чиқариш, шили етиштириш бўйича иккинчи ўринда:

Газ, минерал ўғитлар, пойя газламалар ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда учинчи ўринда:

Кўмир, цемент, асбоцемент шиферлар ва чарм пойфал тайёрлашда тўртинчи ўринда:

Нефть, электр энергияси, консерва ва мела ҳамда узат етиштиришда бешинчи ўринда:

Сабзавот етиштиришда олтинчи ўринда турди.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Илм-фан аҳқаларининг халқ ҳўжалиги тараққийига қўшаётган ҳиссалари беҳад каттадир. Ахир, халқ ҳўжалигининг бирон соҳаси йўқки, унда олнимлар қатнашмаётган бўлибди. Пахтачиликни ривожлантиришда ҳам, саноат ишлаб чиқаришнинг механизациялаштиришда ҳам, химия мўъжизаларини ҳаётга таъбиқ этишда ҳам — ҳамма-ҳамма соҳада уларнинг катта улуши бор.

Фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жоғрий этилгандагина уларнинг аҳамияти янада ортади, улар халқ ҳўжалигига кўп фойда келтиради. Ўзбек олнимлари ҳам ўз тадқиқотларининг самарадорлиги учун тинмай курашмоқдалар.

Йилги беш йиллик план лойиҳасида илм-фан аҳқалари олдинга уланган вазибалар кўйилди. Айниқса, техника фанларини такомиллаштириш илмий муассасалар олдинги муҳим вазифа бўлиб қолди. Шунингдек, ядро физикаси соҳасида ҳам қатор ютуқларни олиб борилад.

Ҳаёт билан ҳамнафас бўлаётган олнимлар йилги беш йиллик планда қўрсатилган бу уланган вазибаларини амалга оширишда ўларнинг мунисиб ҳиссаларини қўшади.

М. ҲОМИДХОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг аъзоси.

ҚАЛБ ДАВВАТИ

Партия ва ҳўкуматимиз халқ маорифи тўғрисида тинмай гамхўрлик қилмоқда. КПСС XXIII съезди директиваларида ҳам мактаб-маориф ишларига катта ўрин берилган. Бу вазибаларни бажариш биз ўқитқилардан янада кўпроқ кунт ва сабот билан ишлашни талаб этади. Ҳозир мактабимизда 700 дан ортки ўқувчи билим оляётган бўлса, буларнинг деярли ҳаммаси дарсларин яхши ўзлаштиради.

Мактабимиз педагогика коллективни ота-оналар билан яқиндан иш олиб бормоқда. Ота-оналарнинг тақлифи билан мактабимизда турли тўғрақлар ташкил этилди. Йилги ўқув йилида кун узайтирилган гуруҳлар очинга қарор қилдик.

Биз ёшларга пухта билим бериш билан бирга умумий-мамурий таълим ҳақидаги Қонунни амалга ошириш учун бутун куч ва гайратимизни сарфарб этами.

Ш. РИХСИЕВА,
Тошкентдаги 9-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

ЮКСАЛИШ

Серкўеш республикамаиз майдонга шу йил биринчи январга ҳисоблаганда 449 милдон 600 минг квадрат километрни ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳар бир квадрат километр майдонда 23,4 киши яшайди.

1966 йил биринчи январига қилинган ҳисобга қараганда республикамаиз аҳолиси 10 миллион 524 минг кишидан иборат.

Ўзбекистон ССР таркибига битта автоном республика, 9 та область, 89 та қишлоқ району, 798 та қишлоқ Совети, 37 шаҳар, 78 шаҳар тинидаги посёлка бор.

Республикамаиздаги жами аҳолининг 35 проценти шаҳарларда, 65 проценти қишлоқларда истиқомат қилади.



Ўзбекистон трактор-йигув ва води коллективи ўртасида партиямаиз XXIII ҳамда Ўзкомпартиянинг XVII съездлари шарафига бошланган социалистик мусобақада 2-цех меҳнатсеварлари пешқадамлик қилмоқдалар. Суратда: цех ил-гор ишчиларидан (чапдан) Р. Раҳимов, М. Пиримхўжаев, Т. Пирмуҳамедов ва В. Янбаков ўртоқлар.

КОММУНИЗМ

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Ўзбекистонимиз улуғвор етти йиллик мобайнида қамолот сари дадил кўйди. Саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, маданиятнинг қурилиш соҳасида катта ишлар қилинди.

Республикада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми контроль рақамларда кўзда тутилган тахминан 1,8 баравар ортди.

Етти йилликда электр энергияси ишлаб чиқариш тез суръатларда ривожланди. Ҳозир биргина Ўзбекистоннинг ўзида чор Россиясида 1913 йили ишлаб чиқарилган электр энергиясига нисбатан 5,5 баравар кўп электр энергияси ҳосил қилинмоқда.

Машинасозлик саноати кенг ривож топди. Ўтган етти йилликда машинасозлик саноати ишлаб чиқариш ҳажми уч баравардан орткироқ кўпайди.

Республикамаиз газ саноати кенгайди. Кейинги тўрт йил мобайнида газ қазиб чиқариш 16 баравар ортди. Республикамаизнинг кўпгина

на саноат корхоналари газлаштирилди. Минг-минглаб хонадонларда «зангори олов» ёнди. Ўзбекистонимизнинг миллий ифтиҳори бўлган «оқ олтин» етиштириш ҳажми анча кўпайди. Етти йил мобайнида давлатга 23 миллион 675 минг тонна «оқ олтин» сотилди. Ўтган йил пахтачиликда жуда катта галабалар қўлга киритилди. Ҳар гектар ердан 24,2 центнердан ҳосил кўтарилиди.

Етти йилликда республика фани ва маданияти равшан топти. Шу қўлларда куёшли улканда 145 илмий тадқиқот муассасаси ишлаб турбиди. Улардан илмий ходимлар 16,5 минг кишини ташкил этади.

Аҳолининг турар-жойларга бўлган талаби гобора ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда уй-жой қурилиш кенгайтириб юборилди.

Етти йил мобайнида давлат кооператив ташкилотлари ва бошқа муассасалар 10 миллион квадрат метрдан орткироқ турар-жойни фойдаланишга топширдилар. Моддин фаровонлик анча юксалганлиги туфайли беш миллион квадрат метрдан орткироқ уй-жойни аҳоли ўз ҳисобига қуриб битказди.

Республикамаиз колхоз ва совхозларида турар-жой қуриш ишлари жадаллашиб кетди. Етти йилликда колхозчилар ва совхоз ишчиларидан 200 минг киши ҳовли тўйларни ўтказди.

Ишчи ва хизматчиларнинг реал даромади етти йилликда 32 процент, колхозчиларнинг пул ва натурал ҳисобда олинган маблағлари ҳажми 33 процентга яқин кўпайди.

ЧИРОҚЛАР ЧАМАНЗОРИ

В. И. Лениннинг «Коммунизм — Совет ҳўқимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш» деган доно сўзларини бир оёқлик. Ўшанда доҳимиз ГОЭЛРО планини тузиб 10-15 йил ичида бутун Россия бўйича 8,8 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш вазибасини ола сурган эди. Энергетика саноатини ривожлантиришда ГОЭЛРО плани буюқ пойдевор бўлди. Мана 45 йилдирки, мамлакатимизда станция негидан еттидан бунёд этилган. Нур булоқлари қайнаган қайнаган. Биргина ўтган йилги барлақ электростанциялар кучи билан 307 миллион киловатт-соат нур ҳосил қилинди.

Бу ютуққа республикамаиз, ҳўсуван областимиз энергетикларини гойат катта ҳисса қўшди. Оқангарон ва Тошкент ГРЭСлари, Фарҳод ва Чирчиқ каскад ГЭСлари ишлаб чиқарган электр қувватидан омонча саноат корхонаси, колхоз-совхоз ва хонадон бағрамаид бўлдики, Оқангарон ГРЭСи

турбиналари ҳозир ҳар соатда 500 минг киловатт-соатдан орткироқ электр энергияси ҳосил қилмоқда. Тошкент ГРЭСида аса дастлабки энергоблок ишта тушганда бири 3 миллион 900 миллион киловатт-соат нур ишлаб чиқарилди.

Тошкент ГРЭСининг биринчи навбат қурилиш тугалланди. Ҳар бирининг қуввати 150 минг киловатт бўлган 4 та энергоблок ишта тушади. Лекин қурилиш ҳали тугатгани йўқ. Бинокорлар ҳозир 5-блок қурилиши билан, банд. Турбона йойдевор, ётиқлаштириш, қозон агрегати қисмлари йилгиланти. У шу йилнинг 15 сентябрида саноат томи бериши керак. Денбарь олиннинг охиридаги бириб аса 6-блок қурилишида ҳам саноат-созлаш ишлари тугалланади. Қолган йиллар давомида аса ҳар бири 150 минг киловатт-соат қувватга эга бўлган яна олтинга блок қад қўйилади.

Мана-из Чирчиқ гидроузели қурилиши ҳам тез суръатлар билан

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ
Хосил қилиш

11.5 МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ
25.3 МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ

1965 йилда 1970 йилда

Съездлар

КПССнинг шонли отряди бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси катта йўлни босиб ўтди. Республика Компартиясининг XVII съезди арафасида унинг бундан аввалги съездларини хотирлаб ўтайлик.

Ўзбекистон КП(б)нинг биринчи съезди 1925 йил 6-12 февралда Бўхоро шаҳрида бўлиб ўтган эди. Бундан бироз илгари, 1924 йил октябрида Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилиб, у СССР составига кирган эди. Октябр революцияси натижасида, ленинча миллий сисатининг амалга оширилиши туфайли ўзбек халқи кўп асрлардан бери биринчи марта қайта бириллаш ва ўз миллий давлатига эга бўлди.

Ўзбекистон Компартиясининг I съезидан у РКП(б)нинг отрядларидан бири сифатида расмийлашган эди.

Съездда ҳал қилувчи овоз билан 294 делегат ва маслаҳат овози билан 8219 партия аъзоллига қандидатдан вакил бўлиб қатнашган эди. Съезд РКП(б) Марказий Комитетининг йилги йилги ақулар ва перспективалари ҳақида ўртоқ М. И. Калинин доҳидани эшитди. Республика Компартияси ва Ўзбекистоннинг ҳўжалик вазибалари белгиланди.

Республика Компартиясининг иккинчи съезди 1925 йил 22-30 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Съездда 10819 партия аъзоси ва 10 минг 523 кандидат номидан ҳал қилувчи овоз билан 321 делегат ва маслаҳат овози билан 132 делегат қатнашди.

Съезд бундан аввалги йилда ишлаб чиқарувчи кўчалар ва аинқиса пахтачиликни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маданият савиясини ошириш соҳасида маълум ютуқларга эришилганлигини қайд қилди. Ўзбекистонда социалистик эконимика пойдеворини қуриш соҳасидаги биринчи навбатда турган вазибаларни белгилаб чиқди. Бунда асо-

сий эътибор камбағал ва ўртақол деҳқонларни оммавий равишда кооперациялаштириш, деҳқонларни кооперация орқали социалистик қурилишга жалб этиш зарурлигига қаратилган эди.

Учинчи съезд 1927 йил 16-24 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган. Съездда ҳал қилувчи овоз билан 395 делегат, маслаҳат овози билан 146 делегат қатнашди. Улар партиянинг 15372 аъзоси ва 11353 кандидат номидан вакил қилиб юборилган эди. Мазкур съезд республикада ҳўжалик ва маданият қурилиш соҳаларида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилганлигини ўқитиб, партиянинг, унинг ишчилардан иборат аъдосининг ўсганлигини кўрсатиб ўтди. Шунингдек, партия ташкилотининг партия ва совет иши соҳасида, хотин-қизларни озода қилиш, ҳўжалик ва маданият ривожлантириш соҳасидаги вазибалари белгиллаб берилди.

Марказий Комитетга ҳар қандай миллий оғмачиликка ва оппозициянинг ҳар қандай ҳужумларига қарши ҳескин жўра олиб бориш вазибаси топширилди.

Ўзбекистон Компартиясининг тўртинчи съезди 1929 йил 17 февраль — 2 мартда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Унда ҳал қилувчи овоз билан 505 делегат ва маслаҳат овози билан 73 делегат 21860 партия аъзоси ва 14233 кандидат номидан қатнашди. Съезд РКП(б) Марказий Комитетининг ўнг оғмачиликка қарши олиб бораётган курашини маълумлашди ва «Ўнгилик хавфига ва у билан мурооса қилишга қарши кураш тўғрисида» махсус қарор чиқарди.

Республика Компартиясининг бешинчи съезди 1930 йил 4-13 июнда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 23901 партия аъзоси ва 19463 кандидат номидан ҳал қилувчи овоз билан 505 делегат ва маслаҳат овози билан 73 делегат қатнашди. Съезд Ўзбекистонда колхоз қурилишини янада кенгайтириб

юбориш, ана шу асосда пахтачиликни янада ривожлантириш масаласига катта эътибор берди. Колхоз ҳаракатида партия йўлини, бузилаётган қарши муваффақиятлар кураш олиб борилаётганлигини қайд қилди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олтинчи съезди 1934 йил 10-17 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда ҳал қилувчи овоз билан 502 делегат ва маслаҳат овози билан 297 делегат қатнашди. Улар партиянинг 29955 аъзоси ва 26747 кандидат номидан вакил қилиб келган эдилар. Съездда Ўзбекистонда биринчи беш йилликнинг бажарилиши ақуланди.

Ўзбекистон КП(б)нинг еттинчи съезди 1937 йил 10-18 июнда бўлиб ўтди. Унда партиянинг 18022 аъзоси ва 11912 кандидат номидан ҳал қилувчи овоз билан 486 делегат ва маслаҳат овози билан 180 делегат қатнашди.

Марказий Комитетнинг иши ҳақидаги ҳисоботда республикада социалистик қурилишнинг барча соҳаларида партия ташкилотини амалга оширган катта ишга ақу аслади, халқ ҳўжалиги ва маданияти янада ривожлантириш юзасидан муҳим вазибалар илгари суринди.

Республика Компартиясининг саккинчи съезди 1938 йил 1-9 июлда бўлиб ўтди. Съездда партиянинг 17880 аъзоси ва 12353 кандидат номидан ҳал қилувчи овоз билан 443 делегат ва маслаҳат овози билан 61 делегат қатнашди. Съездда бир йиллик ишга ақу аслади. Бу даврда СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига сайловларда коммунистлар билан партиячилар блокнинг порлоқ галабасига эришилди. Ўзбекистонда колхоз тузуи узял-жесил галаба қилди, социалистик саноат жадал суратлар билан ривожланиб, саноат махсулоти Ўзбекистон ҳўжалигида устулик қилувчи бўлиб қолди. Съезд троцкичларга, бухаринчиларга, буржуа миллатчиларга ва социализминг бошқа душманларига қарши партиянинг кураши тўғрисидаги масалага эътибор берди, сивсий тарбия бериш соҳасида катта

САНОАТ
Маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг фойди

100% 160%

1965 йилда 1970 йилда

МИНЕРАЛ
Ўғитлар ишлаб чиқариш

2 МИЛЛИОН 145 МИНГ ТОННА
4 МИЛЛИОН 290 МИНГ ТОННА

1965 йилда 1970 йилда

КПСС XXIII ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVII СЪЕЗДЛАРИГА

Қ И Ш Л О Қ Ф А Х Р И

Хали куш далавара зарҳалларини тўқмасдан, универсал овози ҳаммаёни тўқиб юборди. Зокиржон рулда. Кўзлари дам олган боқди, дам ортда нафаси текислабди, қорамтир тортиб юлаётган ерларга назар ташлайди. Уни билан бирга баҳор ташнаини олиб келган март ойининг енгил шабадаси дил итиқдоби Зокиржонга ҳузур бахш этди.

Эҳ-э, шу бепоян пахтазорларга озмунча меҳнати синалган унинг. 1941 йилларда 22-23 йашларга тўлган йигит жононжон колхозда бир йил, ярим йил ишлабди. Армия сафига кетди. Миллионларнинг йили бўлиб, фашист босқинчилари тарши мардона жанг қилди. 4-юртини, йиллик қони тўқилган оша-батанини кўйрак кўриб хитмо қилди. Улут зафардан кейин жононжон кишлоққа, яна бор меҳнат кучини олган колхозда Зокиржонни яна бағрига чорлади. Мана, ўшандан бери яқин йигирма беш йилча вақт ўтди. Ана шу йиллар давомида она ердан у-

лирилган ҳар туп гўзада, хирмонга тўқилган «оқ олтин»нинг ҳар бир мисқолида унинг пейона тери бор. Юрак кўри бор.

Ун олти йилдан бери пўлат оғининг жилвини ушлайди. Кузу кишининг аччиқ изгиринларига бардош бериб ер ағдариб шугтор қилаётганда, баҳор шўхликлари билан ўйнашиб, умид билан мўла ҳосил уруғини ерга қадаётганда меҳрингиз товланади унга. Ҳар туп гўзада куз қорачиқдай асраб парадриш қилаётганда, «зангори кема» буниридан ақ хирмонига тошна-тошналаб «оқ олтин» тўкаётганда, ғайрат-диноятини бағли, дала шўнқори, дейсиз унга.

Ҳозир Зокиржон трактори билан тосиқлаётган шу ерларга чигит тушадиган кўлар, чардон далавара юзини ямийил гўза майсатари қоплаб бахри-динни янада очиб юборадиган дамлар етиб келарди. Звено бошнинг ҳар соат, ҳар кунни ғанимат билади, Фур-

сатин қўздан бой берисин келмайди.

Куёш тикмадан оқмада бу ерга колхоз бошлангич партия ташкилотининг сирефари келиб қолди. Унинг чекрасидан азеводаги ишлардан қўғилх тўқилгани, ҳўрсанлиги сезилиб турарди. Ҳа, каттадан-кичининг ҳаммаси. Зокиржон бош далада. Сув раён оқсини, деб эриқ қашлаётди, ер тўқини деб эриқ чиқаришпти. Чигит текис тушсин деб ишларларни текислаб тушқори эшлайпти.

Бироздан кейин Зокиржон ишдаётган бригаданинг аъзолари дала ишчиларига йиғилди. Бу йилгилишга Зокиржон сабабчи. Бунинг ҳамма билди. Яқин раён оғиздан-оғизга кўзиб, бир зумда бутун кишлоққа тарқалган-ку ахир, ўшанган каттадан-кичинг бир-бирларининг қораларидан тўшунганидай, арайди. Зокиржон кишлоқнинг бақри, меҳнатидан, бошобангидан, одамга меҳрибонлигидан, кўпчилигининг бошани

бир ерга қовуштиришга қобил эканлигидан берака топди у, дейишди.

— Энди Зокиржонни Тошкентга, сўзда кузатмоқчимиз, — деди ишқол партом. — Ҳабаринглар бор. Зокиржон шу сўзда делегат бўлиб сайланган эди.

Йиғилганлар Зокиржонга хўрмат билан боқибарди. Бригада-нинг кенас суғичиси Усмон ана Достонов бу трактор-звено бошчилигини бошлагидан билади. Ахир у дала ҳўжайини қилиб тайинланганидир, кўпчилигининг раҳматини ошимаган йили йўқ. Узоққа бормай, ўтган йилнинг ўзини олайлик, 55 гектар ерининг ҳар гектаридан мўлжалдаги 27,3 ўрнига 33 центнердан хирмон кўтарилиди. Қариб ун йилдан бери бу звено ўтти центнердан кам пахта бермайдиган. Даромадчи, ўтган йили Зокиржоннинг ўн 2 минг 828 сўм, звенонинг ҳар бир аъзоси ўрта ҳисобда 1520 сўмдан пул оқинди.

Ҳамма дилидаги ахши гапларни,

ни айтиб, Зокиржонни сўздага йўллашди. Мана, у партом сирефари билан биргаликда бардам қадам ташлаб бораётти. Кишлоқ марказига яқинлашган сари бу ерларни биринчи дафъа кўраётгандай афтоҳида зақ билан боқди. Юрғи бир олам қўғилх билан тепади. Серфайа, одамлари меҳнаткаш, ҳамини қалбига яқин кишлоқ бу. Кўша-кўша мактаблар, боғча, ясиллар, ҳаммаёни кўзб-бўртиб бутун-ерта гулларини шохларига маржон қилиб танишга ҳозир турган бепоян мевадор боғлар, ҳаммаси ҳаммаси колхоз тузумининг кудрати, колхозчилар ҳалол меҳнатининг самаралари бўлиб, сохибамолини ки-кўз қилиб турибди.

Зокиржон Тўқини сўздага наворини беш йилнинг зарфига туғил режаларини тузишда иштирок этади. 92 овозини қўшди, жононжон кишлоққа яқин умид, яқин режа, деҳқончиликнинг истиқбол йўлларини белгилаб берган зафар қилитини олиб қайтди.

У. ЖОНГИТОВ,
Янгиёул. «Коммунизм»
колхозчи.

СЎЗ СЪЕЗД
ДЕЛЕГАТЛАРИГА
ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Кишлоқ Совети территориясида турган колхоз бор. Бу ҳўжайилларга ишнинг кўзини билган, ташкилотчи, ишчан кишилар раҳбарлини қилмоқда. Ўтган йили кишлоқ Совети бўйича 4150 гектар ерининг ҳар гектаридан 18,6 ўрнига 23,5 центнердан ҳосил олинди.

Меҳанизатор депутатлардан П. Дехқонбоев, У. Аҳмедов, М. Юсуповлар, Д. Оқжигитов ўртоқлар бошлиқ бригадалар, юқори ҳосил олдиди.

Ҳосилдорнинг ошган, даромад ҳам кўпаймоқда. Колхозларда оёдоқлаштириш ва колхозчиларнинг мададий маъийи турмуш шароитини янада яхшилаш юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Кўпчилик нолми колхозда ҳаммаёни клуб биноси, чойхона ва мактаб қурилиб ишга туширилди. Оқунбобоев нолми ва Ҳамид Олимжон нолми колхозларда боғча, ҳаммом, меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Б. ТАГИРОВА,
Оққўрғон район, Оққўрғон кишлоқ советининг раиси.



ЙЎЛЛАРИДА

УЛКАН РЕЖАЛАР

СССР халқ ҳўжалитини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган плани ноисидан КПСС XXIII съездининг Директивалари лойиҳаси республикамиз саноати ва маданий қурилиш учун янада ерқин истиқболларини очиб беради.

Беш йил мобайнида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баравар ортади.

Беш йилликда улкан энергетика қурилишларидан Тошкент ГРЭСи тўла фойдаланишга топширилди. Макув станция 1 миллион 300 минг киловатт электр қуввати ҳосил қилди. Шунингдек, Бекобод ГРЭСи қурилиш бошлаб юборилди. 600 минг киловатт қувватли Чорвоқ ГЭСи ишга туширилди.

Химия саноати кенг ривожланди. Химия маҳсулотини ишлаб чиқариш 3,4 баравар ортади.

Республикада газ саноати ривож топди. Газ қазиб олиш беш йиллик охирига бориб йилга 40 миллиард кубометрга етди. «Зап. олов»нинг салмоғи беш йиллик

охирида 86 процентдан ҳам ортиб кетади. Янги беш йилликда саноат корхоналари қурилиш жуда тезланади. Оқангарда шина ва резина буюмлари комбинати, Олмалик химия комбинати, маъийи химия товарлари заводи ишга туширилди. Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам қўлаб янги корхоналар фойдаланишга топширилди.

Машинасозлик, айниқса, кишлоқ ҳўжалити машинасозлигига катта эътибор берилади. Бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 баравардан зиёдкор ортади. Тошкентдаги трактор-йиғув заводи қайтадан реконструкция қилинади. Бу ерда пахтачиликка мўлжалланган йилдиракли тракторлар ишлаб чиқариш улаштирилади.

Электротехника саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилади. Чирчиқ шаҳридаги йирик трансформатор заводи қурилиш тугалланади. Оқангарда электротехника саноати учун янги буюмлар тайёрлайдиган завод фойдаланишга топширилди.

Беш йилликда цемент ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати ривож топди. Аҳолининг саноатини бу соҳасидан товарларга бўлган эҳтиёжини янада тўлақон қондириш мақсадига қўлаб озиқ-овқат ва ки-йим-кечак тайёрлайдиган корхоналар қурилади. Тошкентда озиқ-овқат корхоналарининг бир бутун комплекси ишга туширилди.

Соғлиқни сақлаш, аҳолига маданий-маъийи хизмат кўрсатиш соҳасида катта ишлар қилинади. Янги беш йилликда ўтган беш йилликдагига нисбатан икки-икки ярим баравар кўп маблаг сарфланади.

Аҳолига янада яхшироқ маъийи хизмат кўрсатиш учун қатор корхона ва устаноналар тармоқлари вужудга келтирилади. Шу мақсадлар учун ўтган беш йилдагига нисбатан уч баравардан кўпроқ капитал маблаг сарфланади. Республикада аҳолига маъийи хизмат кўрсатиш 3,7 баравар ортади. Шу жумладан кишлоқ жойларда аҳолига маъийи хизмат кўрсатиш ҳажмининг беш баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Кўнгли республикамизда янги беш йилликда жуда кўп маданий-маъийи хизмат кўрсатиш учун кўп маблаг сарфланади. Курортлар ва санаторийлар

қурилади.

Бинокорлар янги беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли бошлашди. Улар ҳозир пойтахтнинг Чилонзор ва Шимол-шарқ массивларида катта қурилиш ишларини олиб боришмоқда. Улар кунинг кеча Чилонзорнинг 12-«Г» кварталда 70 квартираларни иккита бино ва 48 квартираларни битта бинони қуриб битказишди. Бугун-ерта бу бинолар бахтли оилаларни ўз кўчига чорлайди. Уларда ҳовли тўйларни ўтказилад.

9-«Г», 10-«Г» ва 5-«Б» кварталларда шу қуларда қўлаб турар-жой бинолари пардоздан чиқяпти. Улар ҳам яқин кўлар ичида фойдаланишга топширилади.

Чорвоқ ГЭСи қурилиш суръатига суръат қўшилмоқда. Даврий фарҳодлари тоғин тешиб тоннель ўтказмоқдалар. Улкан сунъий денгиз бўйиб атмоқдалар. Ҳа демай 168 метрли баланд тўғон ҳам қуриб битказилади. Шунда шўх Чирчиқ дарёси ўзанини ўзгартириб кишиларга хизмат қила бошлайди. Чапдаги суратда: ака-ука экскаваторчилар Николай ва Георгий Киршин ўртоқларини қуриб турибсиз. Ўнда эса тўғон қурилиш учун тош-шағаллар ташишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



ЙИЛНОМАСИ

кемчиликлар рўй берганлигини ўқидиб коммунистларга марксизм-ленинча таълимот бериш ва уларни тарбиялаш ишини қўқайтириш зарурлигини таъкидлади.

Узкомпартиянинг тўқинчидинг съезди 1940 йил 12—16 мартда бўлиб ўтди. Съездда партиянинг 29605 аъзоси ва 34242 кандидати номидан ҳал қилувчи овоз билан 450 делегат ва маслаҳат овози билан 143 делегат қатнашди. Ўнда республика партия ташкилотининг партия XVIII съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокима қилинди. Съездда ҳўкумат ва партия Марказий Комитетининг «Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш чоралари ҳақида» қарори асосий ўрин олди. Съезд унчичи беш йилликнинг дастлабки йилларида қилинган ишга яқун ясаб, келгусидиган вазифалар программасини белгилади.

Ўзбекистон коммунистларининг ўнчичи съезди 1949 йил 1—4 март

да бўлиб ўтди. Ўнда ҳал қилувчи овоз билан 503 делегат ва маслаҳат овози билан 153 делегат қатнашди. Улар 102906 партия аъзоси ва 30012 кандидати номидан вакил бўлиб келишган эди.

Хисобот даврида республика коммунистларининг жуда катта ишлари яқун асасди. Ўзбекистон партия ташкилотлари Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ўз олдида турган вазифаларини шараф билан бақарди. Урушдан кейинги йилларда эса улар меҳнаткашларни беш йиллик плани муваффақиятли бақариш учун курашга сафарбар қилди. IX съезддан кейинги ўтган вақт ичида республика партия ташкилотини сон жиҳатидан кийи мартадан кўпроқ ўсди, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан чиниқ қилди.

Съезд республика экономикаси ва маданий янада ривожлантириш соҳасидиган вазифаларини белгилаб, пахтачиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга катта

эътибор берди, саноатга раҳбарликни яхшилаш зарурлигини ўқитди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1952 йил 20—24 сентябрда бўлиб ўтган ўнбиринчи съездида, 116943 партия аъзоси ва 25755 кандидати номидан ҳал қилувчи овоз билан 683 делегат, маслаҳат овози билан 146 делегат қатнашди.

Съездда СССР халқ ҳўжалитини ривожлантиришнинг бешинчи беш йиллик плани ноисидан чиқариш партия XIX съезди Директивалари лойиҳаси муҳокима қилинди ва яқинлиқ билан маъқулланди. Съезд партия ишнинг савиясини ошириш, ҳўжалик ва маданий қурилиш ишларига партия раҳбарлиги яхшилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Республика Компартиясининг 1954 йил 15—17 февралдаги ўнчичи съездида ҳал қилувчи овоз билан 756 делегат ва маслаҳат овози билан 75 делегат партиянинг 127927 аъзоси ва 13861 кандидати номидан иштирок қилди.

Съезд экономика ва маданий ривожлантириш соҳасида қилинган катта ишларга яқун асасди. КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида» қарори қарори съезд ишида асосий ўрин олди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўнчичи съезди 1956 йил 26—28 январда бўлиб ўтди. Ўнда 813 делегат ҳал қилувчи овоз билан, 63 делегат маслаҳат овози билан қатнашди. Бу делегатлар 139722 партия аъзоси ва 10431 аъзоликка кандидати номидан вакил бўлган эди.

Съезд КПСС XX съезди Директивалари лойиҳасини кенг равишда муҳокима қилди ва маъқуллади. Шунингдек, съездда олтинчи беш йилликда саноати ва кишлоқ ҳўжалитини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада юк-

ПАРТИЯГА РАҲМАТ

Бу воқеага қамаллаб кўрсанг салкам нирқ йил бўлади. Шунди Ленин партияси сафига ўтганимга бир йилча бўлган эди. Ўзбекистон Компартияси IV съездида делегат қилиб сайланган кунимни худди кема бўлган воқеадек аслайман. Самарқандга — сўзда кетайманку, ўйламан: ким эдим-ку, ким бўдим.

1929 йили Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг IV съездида аёллар жуда кам эди. Ҳозир у дамлар эсдалик бўлиб қолган.

Партиянинг тўқинчи съездида қатнашганман.

Партия мен қарга юбормасин виждон ишлашга, коммунист деган номга доғ туширмайсизка ҳаракат қилдим. Ҳозир пенсиядаман. Аммо меҳнат қилмай туролмайман. Ғайрат қўймайди. Област партия комитетида партия комиссиисининг штатсиз аъзосиман.

Ўзбекистон Компартиясининг бутун очиладиган XVII съездида иштирок этсам, республика съездларида ўнчичи бор қатнашган бўламан. Бу меннинг учун катта бахт.

Фотима ННЗЕЗОВА,
1928 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.




СИЗЛАР УЧУН ҚУРАМИЗ

Бинокорлик касбидан муқаддас касб бўлмаса керак. Халқимиз ҳўрмати, иззат, иқромини ўрнига қўйиб, «қўли гул кийилар», «ҳаётимиз меъморлари» деб атайдилар. Айниқса, бизнинг Ватанимизда уларнинг қадрига етшмоқда. Бинокорларимиз ҳам шунга яраша енг шимариб меҳнат қилмоқдалар. Янги-янги шаҳар ва посёлалар, завод-фабрика қуримоқдалар.

Шунинг учун ҳам мен ўрта мактабни тугатиш билан ана шу касб еталари сафига киришга қарор қилдим. Янглиш маған эканман, ўшанда. Ахир билан кўчтаран завод ва фабрикаларда кўп йиллар давомида меҳнатини ҳайқал бўлиб турдим.

Мана, 11 йилдан бери қуришчилик қиламан. Бир қанча мактаб, олий ўқув юрти қурилишида ишладим. Шу меҳнатим туғайди оғур ортирдим. Касбдошларим катта ишонч билдиришди. Мен, еш бинокорини Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съездида делегат қилиб сайландим. Албатта бу ишончин оқлашга ҳаракат қиламан. Янги беш йиллик қурилишларига бундан бўён ҳам фидокорона меҳнат қиламан. Ўз билимим ва тайратимни аямайман.

Н. ҲАСАНОВ,
150-қурилиш трести 13-бончармасининг бригадир.



КИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ

☆ Револуцияга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1071 та темир лут, 337 та борона, 12 та селска бор эди.

☆ Республикада колхоз ва совхозлар ўтган йили 20 мингтадан ортиқ гектар, 6 мингтадан кўпроқ пахта терши машиналари, 6.600 трактор лугларни, 20 минг селска ва култиваторлар, 10 мингтага яқин дон ва силос комбайнлари олдиди.

☆ Ўтган йили республика даладарига 2 миллион 550 минг тонна минерал ўғит се-пилди.

☆ Республикада ирригация эҳтиёжларини учун қўлаб маблаг ажратилмоқда. Сўнгги йиллар мобайнида Қариндон, Чилқўрғон суви оёдорлари ишга тушди.

☆ Аму — Бухоро каналининг суварли Бухоро қўллари-га обихаёт келтирди. Булардан тақрибан қўлаб каналлар, кучли насос станциялари, артезиан кўзуклар қазилиб ишга туширилди.

☆ Янги ерларни ўлаштириш тобора ағж олмақда. Кейинги йилларда Мирзачўл яннатан водига айланиб кетди. Марказий Фарғона ерлари мўл-қўл ҳосил бера бошлад.

☆ Шу қуларда Кўкорол массиви, Қарши қўллари ўлаштириш жадал суръатларда ольб боришмоқда.

☆ Биргина Қарши қўлида 300 дан ортиқ меҳанизатор жавлон урмоқда.

☆ Қарши қўлида ирригация қурилиш учун ҳозирдаёқ 10 миллион сўм ажратилди. Бу маблаг яқин вақтларда 4,5 миллион сўмга етди.

☆ Биринчи навбатда 346 минг гектар қўриқ ерлар ўлаштирилади. Қўриқ ерда 47 та совхоз ташкил этилади.

☆ Бир неча йилдан кейин Қарши қўлида 1,5 миллион гектарга яқин ер ўлаштирилади.



